Ушбу сонда:

2 *Хат йўлга чорлади* **ЗИДДИЯТ**

3 **ҚАҲРАМОНЛАР ОРАМИЗДА**

4 *Ибрат* **ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН** спорт мажмуалари

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 7 январ, чоршанба № 2 (1635)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИ ТАРАДДУДИ

Ҳадемай бир гуруҳ ватандошларимиз муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш учун Саудия Арабистони Подшоҳлигига йўл олади. Мамлакатимизда бу йилги мавсумда ҳам бўлғуси ҳожиларнинг ҳаж амалларини мукаммал адо этиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизда Тошкент шаҳри ва вилоятидан ҳаж зиёратига отланган ҳамюртларимиз билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси каби мутасадди ташкилотлар вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда йиғилганларга ҳаж зиёратининг моҳияти, қилинажак амаллар тартиби, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш масалаларига оид зарур тавсиялар берилди.

Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги каби мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари зиёратчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА)

ЁШЛАР ВА ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

Вилоятда «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги» қизғин давом этмоқда. Тадбирлар нафақат ҳарбий қисмлар, балки маҳаллаларда, ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида ҳам бўлиб ўтяпти.

Ғиждувон, Қоракўл, Бухоро туманларининг чақириққача бўлган ёшлари вилоят марказидаги ҳарбий қисмларда бўлиб, жанговар техника, ҳарбий хизматчилар фаолияти ва ҳаёти билан танишди. Арқон тортиш, сафда юриш ва ҳарбий қўшиқлар бўйича мусобақаларда иштирок этди.

- Орзуим - офицер бўлиш,- дейди қоракўллик Аббос Ўринов. - Ҳарбий қисмлардаги тартиб-интизом ва ҳаётни кўриб, бу соҳага қизиқишим янада ошди. Командирлар бизга мамлакатимиздаги ҳарбий билим юртлари, жисмоний чиниқиш ва тайёргарлик ҳақида сўзлаб беришди.

- «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги» доирасида Ромитон, Қоракўл, Вобкент ва Бухоро туманларида мерганлик беллашувлари бўлиб ўтди,- дейди Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Г.Халимов. - Жойлардаги ҳайдовчилик мактаблари кутубхоналарида Куролли Кучларимизнинг 12 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси уюштирилди. Бухоро шаҳрида эса миллий авиамодел спорти бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда шаҳар ва туманлардан ўн жамоа ғолиблик учун курашди.

(ЎзА)

Фахр

ЎЗБЕК ДЕҲҚОНИНИНГ америкалик қизи

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизда турли миллат ва элат вакиллари ҳамкору ҳамжиҳатликда яшаб меҳнат қилмоқда. Буни Дўстлик туманидаги Ғафур Ғулом номли маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда «Тинчлик корпуси» йўлланмаси билан икки йилга ишлаш учун кўнгилли бўлиб келган америкалик Эми Свини ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Ўзбек тилида бемалол гаплашадиган меҳмон Гагарин номли 14-умумий ўрта таълим мактабида инглиз тилидан дарс бермоқда. Хоҳишига кўра қадоққўл деҳқон Шавкат Шукруллаев хонадонида умргузаронлик қилмоқда. Ўй бекаси Янглиш ая Эмини ҳам ўз фарзандидек кўради. У катта оиланинг тўнғич фарзанди Фарида билан айниқса яқин, Боиси, ёшлари тенг, дунёқараши ҳам бир-бирига яқин.

Эми АҚШдаги университетлардан бирини муваффақиятли тугаллаб, яхши журналист бўлишни орзу қилмоқда. Фарида эса америкалик дугонаси ишлаётган мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс беради. Икки дугона бир-бирларига тил ўргатади. Америкалик кўнгиллининг ташаббуси билан мактабда инглиз тили маркази очилди. Унга қирқ нафар йигит ва қиз жалб этилган. Ҳар бир машғулот жонли, қизиқарли ўтказилади. Эътиборлиси шуки, меҳмон бўш вақтларида қишлоқдаги тўю тантаналарда қатнашади. Шу тариқа ўзбек халқининг урф-одати, турмуш тарзи, пахтакорлик, ғаллакорлик, чорвадорлик касбларининг ўзига хос томонларини қунт билан ўрганмоқда. Миллий таомларимизни тайёрлашни ҳам ўрганиб олган. Ош дамлашда унча-мунчадан ўзади.

– Ўзбекистонга келиб ишлаётганимдан ғоятда хурсандман, - дейди Эми Сви. – Бу ердаги одамларнинг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ва албатта меҳнатсеварлиги мени лол қолдирди. Ажойиб ғаллакорлар, пахтакорлар билан танишдим. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Боиси катта табиий бойликлар, имкониятлардан ташқари одамларининг баҳоси йўқ. Мақсад сари дадил интилишади. Мамлакатингиз Президенти, ҳукумати ёшлар ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатаётганлигини барча қалбдан ҳис этмоқда. Ниятим барча кўрган-кечирганларим ва айниқса, ўзбекларнинг меҳру оқибатлилиги ҳақида мақолалар, китоб ёзиш. Яна бир ниятим отамдек азиз бўлиб қолган Шавкат оға ва онажоним Янглишхон аяларни АҚШга, она қишлоғимга таклиф этиб, борди-келдини йўлга қўйиш. Ўзбекистон, унинг беҳаҳо одамлари қалбимда бир умр муҳрланиб қолди.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Маҳалланг — отанг, онанг!

БИР-БИРИГА ҲАМКОР, МАДАДКОР

Зангиота туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжалиги ҳудуди тўртта маҳаллага бўлинган. Ўзини ўзи бошқарув органларига бўлиб ўтган сайловларда учта маҳалла оқсоқоли фаоллиги, одамларга ғамхўр ва меҳрибонлиги туфайли ўз лавозимига қайта сайланди. «Иттифоқ» маҳалла оқсоқолини эса ўзгартиришга тўғри келди. Чунки кейинги икки-уч йил давомида бу ерда анчагина муаммолар йиғилиб қолган эди. Шу боис маҳаллага муносиб оқсоқол излашга тўғри келди. Уч нафар номзоднинг бири сифатида Обид Ғофуров рўйхатга олинди.

Обид акани маҳаллакўй яхши танийди. Оталари шу жамоа хўжалигида ҳосилот, акалари эса саркор бўлиб ишлашган. Ўзлари мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, журналистика касбини танладилар. Узоқ йиллар «Қишлоқ ҳаёти» газетасида масъул котиб лавозимида ишлаб, кўп шогирдлар орттирдилар. Бугунги кунда эса пенсияга чиқиб, мўъжазгина иссиқхона ва фермер хўжалиги ташкил этганлар. Ўғил-қизлар, набиралар учун бир эрмак керак-да. Обид ака болаларни ёшликдан меҳнатга кўниктирмасанг, кейинчалик уларни эгиб олиш қийин бўлади, дейдилар.

Сайлов куни ширкат хўжалиги идораси маҳалладошларга тўлиб кетди. Ўша куни табрик сўзлари билан бирга танқидий фикрлар ҳам айтилди, бир-биридан қийин топшириқлар берилди. Обид ака ҳаммасини ён дафтарига ёзиб қўйди. Сайлов ўтиши билан шу дафтарчани варақлашга, вазифаларни гуруҳларга бўлишга киришди. Биринчи гуруҳга коттежларда истиқомат қилаётган 251 хонадонни табиий газ билан таъминлаш вазифасини киритди. Шу муаммони ҳал этиш учун Тошкент шаҳар ва Зангиота туман газлаштириш идораларидан қадами узилмай қолди. Чунки куз охирлаб, қиличини қайраб қиш келаётган эди.

Ниҳоят, ниятига етди. Янгитдан 400 метр темир қувур тортилиб, кучли босимли газ манбасига уланди, натижада газ босими кучайиб беминнат ёнилғи барча хонадонларга бир текис тарала бошлади.

Қабристонга олиб борувчи йўлларни текислаб шағал ётқизиш, теварак-атрофни ўраш ишларини ниҳоясига етказиш ҳам муҳим вазифалар сирасига кирарди. Бу иш ҳам яқинда ниҳоясига етди. Унга бош-қош бўлган оқсоқол савобга қолди.

Энди тўққизинчи синфни тамомлаб, ўқишни давом эттиролмаган ёшларни маҳалладаги 1-ўрта мактабнинг 10-синфига жалб этиш муаммоси ўз ечимини кутиб турарди. Обид ака мактаб директори Жамолиддин Нуриддинов билан бамаслаҳат, қўшимча синф хоналарини топди, мактаб спорт базасини тартибга солиш режасини ишлаб чиқди. Чунки «Иттифоқ» футбол командаси учун ҳам, бокс тўгараги аъзолари учун ҳам машғулот ўтказишга жой керак эди. Спорт базасини тартибга солиш учун эса ёшлар ҳашари уюштирилса, бас. Ҳаммаёқ гулдек яшнаб кетади. Ҳозир маҳалла ёшлари учун янги спорт иншоати қуриш режалаштирилмоқда. У ҳам яқин вақт ичида бунёд этилади, кетма-кет тўйхона қурилиши бошланса ажаб эмас.

Бу йил маҳаллада «Обод кўча» кўрик-танловини ўтказиш режалаштирилган. Шу мақсадда 12 та симёғоч янгиланади, 2 километрлик сув шохобчаси таъмирланади. Ойбек кўчаси асфальтланади. Ободонлаштириш ишлари асосан ҳашар йўли билан бажарилади.

– Маҳалламиз «Иттифоқ» деган номга муносиб бўлиши учун одамлар ўртасида иноқлик ва меҳр-оқибатни камол топтириш биринчи галдаги вазифамиз бўлиб турибди, - дейди Обид ака Ғофуров. – Шу мақсад йўлида Президентимиз томонидан 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши айни муддао бўлди.

— Биз фаоллар билан бамаслаҳат меҳр ва мурувватга муҳтож оилаларни белгилаб чиқдик, уларга амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўряпмиз. Янги йил арафасида боқувчисиз қолган 9 нафар ҳамкишлоғимизга 5000 сўмдан ёрдам пули берилди. 34 нафар ўғил-қизга эса Қорбобо совғалари топширилди.

Маҳалланинг юмушлари тугамайди. Олти минг аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда турли хил муаммолар бирин-кетин кўндаланг бўлаверади. Агар фаоллар бамаслаҳат иш кўрса, иноқ ҳаракат қилса, масалалар ечими енгил кўчади. Обид ака буни яхши билади. Шу боисдан ҳам ишда кўпроқ фаолларга таянади. Комиссияларга бошчилик қилаётган «Иттифоқ» ширкат хўжалиги механиги Ўринбой Дониёров, пенсионер Тоир Бўронов, ўқитувчи Зиёда Абдуллаева, раис ўринбосари Эргаш Ҳусанов ва бошқалар зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, маҳалладошлар ишончини оқламоқдалар.

Жасур НОСИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Тадбиркорлик — давр талаби

НОГИРОНЛАР МАҲСУЛОТИ ЧАҚҚОН

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти тизимидаги Бухоро ўқув ишлаб чиқариш корхонасида 100 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Шу боис ишловчиларнинг учдан икки қисмини ногиронлар ташкил этади.

2004 йилни – Меҳр-мурувват йили деб эълон қилиниши корхонамиз ишчи-хизматчиларини тўлқинлантириб юборди.

Чунки ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кўзи ожиз кишиларга бўлган ғамхўрлик, уларга кўрсатиладиган меҳр-мурувват кўлами янада ошади.

Корхонамизда 20 га яқин турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Асосан кўрпа-тўшаклар, чойшаблар, ёстиқ жилдлари, махсус кийим-кечакар, қўлқоплар, коржомалар, этак ва ёпинғичлар тикишга эътиборни қаратаяпмиз. Буюртмачилар талаби асосида арзон, бежирим ва сифатли маҳсулотлар тайёрланаётганлиги, туфайли уларнинг бозори чаққон бўлаётир. Тиббиёт коллежига 600 та чойшаб тайёрлаб берилди. Хуллас маҳсулотларимизни яна кўплаб ташкилотлар харид қилиб олмоқдалар. Уларнинг орасида вилоят Халқ таълим бошқармаси, «Пахтасаноат» акциядорлик жамияти соғлиқни сақлаш тизимига қарашли қатор муассасалар, кўплаб касб-ҳунар коллежлари бор.

Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий ҳимояга олинган. Уларнинг оилавий шарт-шароитларини инобатга олиб, моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Ҳам маъмурият, ҳам касаба уюшма қўмитаси, ҳам ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ишчиларга ойлик ва нафақалардан ташқари вақти-вақти билан ёрдамлар уюштириб турилади. Вилоят «Меҳр-мурувват» жамғармаси, касаба уюшмалари тармоқ қўмитаси, «Бухороёғ»га ўхшаган сахий ва бағрикенг ташкилотлар кўмагидан баҳра олаётган жамоамиз аъзолари уларга янги йилда омад ва барака тилайдилар.

Кўплаб тадбиркорлар ҳам бизлардан ёрдамини аямаяптилар.

Абдуғаффор АЗИЗОВ,
Бухоро ўқув ишлаб чиқариш корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

«Ишонч»га жавоб берадилар

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Газетамизнинг 2003 йил 25 октябрида Самарқанд вилоятидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли «Каттақўрғон», «Зирабулоқ» ҳамда «Зиёвуддин» пахта акциядорлик жамиятларида ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлаши ва кўнгилли дам олишлари учун яратилган шарт-шароитларнинг қониқарсиз аҳволдалигини акс эттирувчи фотоайбнома эълон қилинган эди.

Ушбу фотоайбномада кўрсатилган камчиликлар вилоят ҳокимлиги ва юқоридаги бирлашма мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Натижада «Каттақўрғон» ва «Зирабулоқ» пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишчиларнинг дам олиш, ювиниш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш хоналари қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Ходимларга шарт-шароитлар яратиш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

«Зиёвуддин» толаси акциядорлик жамияти ҳудудидаги бинонинг қурилишига маблағ етмаганлиги сабабли вақтинча тўхтатилганлиги аниқланди. Ушбу масалани охирига етказиш йил якуний ҳисоб-китоб натижалари билан кўриб чиқилади.

Вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги барча акциядорлик жамиятлари раисларига ишчи-хизматчиларнинг намунали дам олишларини кўнгилли ташкил этиш, келгусида юқоридаги камчиликларга йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди.

П.ЎСАРОВ,
Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатувчи субъектлар истеъмолчига ўзи ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этиши шарт. Бундай маълумотлар савдо дўкони ёки хизмат кўрсатувчи бошқа шохобчаларнинг кўзга яққол ташланадиган жойида ёзиб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, товар ёки хизмат тўғрисида, хусусиятлари ва сифати, нархи, фойдаланиш шарти, кафолат муддати, шунингдек, товарни ишлаб чиқарувчи, товар хавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати ҳамда уни савдога чиқарган корхона тўғрисидаги маълумотлардан ҳам харидорни хабардор этиши лозим.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондираётган бозорларимиз фаолиятини айни шундай тартиб-қоидалар асосида ташкил этиш мақсадида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. «Отчопар» номи билан машҳур бўлган «Чилонзор буюм бозори»нинг бугунги қиёфасини олдингиси билан солиштириб бўлмайди. Илгари тартибсиз ва сифатсиз моллар билан тўлиб-тошган бу бозорни бугун бежирим ва замонавий дўконлар безаб турибди. Эътиборли жиҳати - уларнинг аксарияти мамлакатимизда фаолият юритаётган корхона ва компанияларнинг савдо дўконларидир. Уларнинг пештоқига битилган корхона ҳақидаги маълумотлар, маҳсулотлар ҳақидаги ахборотлар ҳамюртларимиз кўнглида ғурур туйғусини уйғотади. Маҳсулотлари эса сифати ва нисбатан арзонлиги билан диққатингизни тортади.

Таассуфки, истеъмолчига хизмат кўрсатаётган барча савдо дўконларини ҳам талаб даражасида ишлаяпти, деб бўлмайди. Мазкур бозорда фаолият юритаётган тадбиркор К.Файзиевга қарашли савдо дўконларидан бири текширилганда, қатор қонун бузилиш ҳолларига йўл қўйилаётгани аниқланди. Мазкур дўкондан газ плитаси сотиб олган Т.Исҳоқов буюмдаги нуқсонни бартараф этиш мақсадида дўконни зўрға топиб келди. Боиси, харидор гавжум бозордаги бу савдо дўконининг на рақами, на номи, на кимга тегишлилигини билмаган. Чунки, дўконда бундай ахборотлар истеъмолчига тақдим этилмаган. Айни пайтда, харидор газ плитасининг зарур эҳтиёт қисмлари йўқлигини айтиб, сотувчидан ёрдам сўраганида, эътирози эътиборсиз қолди.

У ноилож Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бошқарма томонидан мазкур дўконда ўтказилган текшириш чоғида эса зикр этилган камчиликлар билан бирга, сертификатсиз, маҳсулот ҳақида давлат тилида маълумот қайд этилган ёрлиғи бўлмаган товарлар савдога қўйилгани аниқланди. Тадбиркорга нисбатан тегишли чора кўрилди.

ЖИЗЗАХДА ҚУЁШ ҚУРИЛМАСИ

Жиззах туманидаги «Самарқандқудуқ» агрохизмат марказидаги У.Шукуров раҳбарлик қилаётган «Сардор СДП» фермер хўжалиги жамоаси Швейцария элчихонаси ёрдамида қуёш қурилмасидан фойдалана бошлади.

Қуёш энергиясидан ҳосил бўлган электр қуввати билан дала шийпонини ёритибгина қолмай, телевизор, радиоприёмник ва совутгичдан фойдаланиш имконини беради. Натижада йилига 120-150 минг сўмлик электр қуввати тежалади.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ёш мусаввирлар ўртасида «Сув ва болалар» мавзуидаги танлов якунланди.

Германиянинг «Орол болаларига ёрдам» ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган танловнинг мақсади ёш рассомларни рағбатлантириш ҳамда ватанпарварлик, она юрт табиатини асраб-авайлаш руҳида тарбиялашдан иборат эди.

Нукус шаҳридаги 34-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Саида Матчанова ҳамда 12-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулмира Қўсбергенова танлов ғолиби, деб топилди.

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

Ғузорнинг Тошгузар қишлоғидан Қумқўрғонгача борадиган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилишида ўтган йили қарийб олти ярим миллиард сўмлик иш бажарилди.

- Қашқадарё вилояти ҳудудида 36 километрлик пўлат из ётқизилди, - дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси назоратчиси Собир Ҳусенов. - Тошгузар-Деҳқонобод оралиғида беш кўприк қурилди. Янги йилда Тошгузар, Деҳқонобод бекатлари қурилиши давом эттирилиб, Қайирма, Бўзахўр, Жарқудуқ ўтиш йўллари барпо этилади.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Янгиқўрғон туманидаги Навкент қишлоғининг ўнлаб аҳолиси янги йилни янги иш жойида бошлади.

Қишлоқ аҳолисини, жумладан хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммоси «Болажон» ўқув-ишлаб чиқариш марказини фойдаланишга топшириш билан ҳал этилди. Марказдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган тикувчилик, гиламчилик ва қандолатчилик цехларида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Марказда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда ишчилар учун бепул овқат, уларнинг фарзандлари учун эса боғча ташкил этилди.

«Болажон» ўқув-ишлаб чиқариш маркази ЮНИСЕФнинг ҳомийлигида очилди. Ушбу ташкилотнинг қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси учун молиявий ёрдами давом эттирилади. Марказнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва яна ўттизга яқин янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўқув-ишлаб чиқариш марказининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, вилоят ҳокими Т.Жабборов иштирок эди.

(ЎзА)

АРЗОНИГА УЧМАНГ

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ўтказаётган «тозалаш тадбирлари»да ноқонуний фаолият юритаётган «тадбиркорлар»нинг кирдикорлари фош этилмоқда.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Абдуқодир Раҳимжоновнинг айтишича, Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат хўжалигининг Ёғлиқ маҳалласида яшовчи Баҳром Зокиров уйида қўлбола мойжувоз ишлатаётганлиги аниқланган. Бу хонадондан икки тонна чигит ва икки тонна кунжара чиқди. Уй эгаси заҳарли моддалардан тозаланмаган сифатсиз ёғ ишлаб чиқариб, уни бозорда сотиш билан шуғулланиб келган.

Милиция ходимлари Қуйи Чирчиқ туманида ҳам шундай ҳолнинг гувоҳи бўлди. Фарқи - Улуғбек номидаги ширкат хўжалигининг Мингчинор қўрғонида яшовчи Баҳром Ҳакимовнинг қўлбола мойжувози иркит молхонага ўрнатилган экан.

Вилоятда «фаолият юритаётган» бундай жувозкашларнинг сони, афсуски, кам эмас экан. Ачинарлиси, улар ишлаб чиқараётган қўлбола ёғнинг ўта заҳарли эканида. Ғўза парваришида кимёвий ўғитлар ишлатилишини барча билади. Чигитдан ёғ олиш жараёнида ана шундай заҳарли кимёвий бирикмаларни бутунлай ажратиб олиш имкони эса фақат ўта замонавий технология асосида ишловчи заводлардагина бор.

Ҳа, ўйлаб кўринг: жувозкашдан сиз ёғ эмас, дард сотиб олаяпсиз. Арзонига учманг!

(ЎзА)

Қарор ва ижро

Эр-хотин бир ёстиккэ бош қўяди. Турмушнинг қувончу севинчларини, машаққатларини бирга тортишга, умрининг охиригача бир-бирларига вафодор ва садоқатли бўлишга аҳд қиладилар. Оила курганлар хаёт қийинчиликларини бирга енгишга, болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, ота-оналарини эъзозлаб-ардоклашга бир-бирларини хурматлаб, мехр кўрсатишга интиладилар. Оила бўлмас экан, хаётнинг маъноси кемтик бўлиб қолиши аён.

ОИЛАВИЙ БАХТДАН БУЮРСИН

Ҳа, оила – муқаддас нарса. Унинг бахти, фаровонлиги ва мустаҳкамлиги эр-хотиннинг қўлида. Шундай экан, бунда бефарқлик, калта ўйлаш, шошма-шошарлик ярамайди. Шу боис кўп ўтмай баъзи оилалар бузилиб кетади. Улар ўртада қолган боланинг нечоғли азобланишини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Оилаларнинг бузилиб кетишига кўпинча ёшларнинг ҳаётга енгилтаклик билан муносабатда бўлаётгани, уларнинг турмуш қийинчиликларига чидамсизлиги сабаб бўлмоқда. Оиланинг қадрига етмайдиган, унга енгил-елпи қарайдиган баъзи кимсалар учраб туради.

Никоҳи бекор қилиниб, бир-биридан ажралиб кетаётганларнинг ишларига чуқурроқ назар ташласак, шу нарса маълум бўлмоқдаки, бундай фожеага дуч келган ёшларнинг аксарияти оилада яхши тарбия топмаган, бир-бирининг қадрига етмаганлардир.

Мана, бир неча йилдирки, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси бўлиб ишлаб келаяпман. Ўтган йиллар мобайнида қанчаданқанча ёшларни никоҳдан ўтказганман. Уларнинг кўпчилиги униб-ўсиб, ували-жували бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Буни кўриб, қувониб кетаман.

Туманда 38 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йилда ёшлардан никоҳдан ўтишлари учун 165 та ариза тушди. Ҳаммаси қаноатлантирилди. Биронта ҳам ажралиш қайд этилмади. Бунинг бирдан бир сабаби кейинги йилларда тарғибот-ташвиқот ишларининг яхши йўлга қўйилганлигида, деб биламан. Бўлимимиз қошида «Оила дорилфунуни» ҳуқуқий-маслаҳат курси ташкил этилган. 28 соатлик тайёрловдан сўнг, келин-куёвлар никоҳдан ўтишади. «Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари», «Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари», «Никоҳ – оила ва фарзанд», «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий асослари», «Никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг келажак авлод учун зарурлиги» каби мавзуларда олиб борилган суҳбатлар ўз самарасини бермоқда. Туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раисаси Фароғат Сатторова, туман марказий касалхонаси гинеколог-врачлари Зулхумор ва Холтожи Эрматоваларнинг маърузалари ёшларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ўтган йилда никоҳдан ўтганларнинг 90 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар қилинаяпти. Хусусан, Янги йилдан бошлаб никоҳдан ўтувчилар учун тиббий кўрикдан ўтиш шарт, деб белгиланди. Туман марказий касалхонаси маъмурияти билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқилди. «Ёш оила» мактаби ташкил этилди. 4 та касаллик бўйича 4 нафар мутахассис врачлар тайинланди. Келин ва куёвда бирон бир касаллик аломати юз берса, даволанишга жўнатилмоқда. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади.

Оила – жамиятимизнинг бир зарраси. Уни мустаҳкамласак, обрўсини кўтарсак, Ватанимизнинг келажаги ҳақида қайғурган бўламиз.

Муслима УСМОНОВА,
Арнасой туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси.

Ислоҳот инсон учун

Хозирги кунда «Тадбиркор аёл» уюшмаси бозор муносабатларининг вужудга келиш жараёнида аёлларнинг иштироки учун қулай шароитлар яратиш борасида иш олиб бормоқда. Унинг вилоятларда 14 та бўлими мавжуд бўлиб, 4 минг нафардан ортиқ тадбиркор аёлларни ўз сафига бирлаштирган. Шунингдек, ассоциация томонидан 24 та халқаро лойиҳа амалга оширилган бўлиб, вилоятлардаги 4 минг нафар ишсиз аёл новвойчилик, гилам тўқиш, заргарлик, ресторан бизнеси, сават тўқиш, сартарошлик, косметолог, тикиш-бичиш, тўқимачилик ҳамда дизайн касблари бўйича малакага эга бўлдилар.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА МИКРОКРЕДИТ

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар ташкилоти ваколатхонаси билан ҳамкорликдаги микрокредитлар лойиҳаси бўйича Қорақалпоғистонда 1 минг 600 та,Қашқадарё вилоятида эса 800 нафар оилага ёрдам кўрсатилди. Бундан қишлоқ жойларида яшовчилар кўпроқ манфаатдор бўлишди.

ТАСИС дастури лойиҳаси бўйича «Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази» томонидан 9 минг нафар аёл ўқитилди ва 260 нафари Англия ҳамда Италия давлатларида малака ошириб қайтишди. Икки йил муқаддам уюшма ўқув маркази базасида 35 та бизнес-тренер ва 22 нафар бизнес-маслаҳатчи тайёрланган эди. Ушбу бизнес-тренерлар ўз фаолиятларини бажаришга киришгандан буён ҳар бир вилоятдан 300 нафардан ортиқ кишини ўқитишга муваффақ бўлинди.

Айтиш жоизки, уюшма кичик бизнес, ҳуқуқ, таълим масалалари бўйича нодавлат ташкилотлар муаммолари, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳам кўпгина ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Булардан ташқари, АҚШ дастурлари ва лойиҳалари асосида бир қатор ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, «Тадбиркор аёллар бизнесини ҳуқуқий таъминлаш» мавзусида барча вилоятларда семинарлар ўтказилмоқда. Бунда асосан АҚШнинг «Меҳр-мурувват корпуси» орқали уюшма аъзоларини имтиёзли кредитлар билан қўллаб-қувватлаш ва дастур ўрганувчиларига грантлар ажратиш ҳамда ташкилотларга техникавий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Германиянинг Конрад Адэнауэр, Фридрик Эберт фондлари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Жаҳон кредит иттифоқи, Канада фонди ҳамда чет эл элчихоналари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

– Ортда қолган 2003 йил биз учун омадли бўлди, десам хато қилмайман, – дейди Ўзбекистон ишбилармон аёллар раиси ўринбосари Гулчеҳра опа Ҳамидова. Фаолиятимизда анча силжишлар кўзга ташланди. Ўйлайманки, барчамиз холис ниятлар билан қарши олган «Меҳр ва мурувват йили» ҳам омад ва ютуқларга тўла бўлади.

Роза САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири

ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий харакати ўтган йилда ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида кўмаклашиш, ақл заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши йўлида кўпгина ижобий ишларни амалга оширди.

Ҳозирда мазкур ҳаракатга беш миллионга яқин йигит-қизлар аъзо бўлишган. Марказий кенгашнинг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари томонидан ёшларга ҳар томонлама кўмак бериш, турли муаммоларни ҳал этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг икки минг бир юз саккиз нафар фарзандлари ва ногирон болаларга бепул дарсликлар, ўқув қуроллари, кийим-кечак, спорт анжомлари берилди. Айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий учрашувларнинг ўтказилиши самарали бўлмоқда. Йил давомида 900 дан ортиқ хайрия тадбирлари уюштирилди. Шундан тўрт юзга яқини ёшларни қайта тарбиялаш колонияларида ташкил этилди.

Ҳаракатнинг хорижий давлатлар билан йўлга қўяётган ҳамкорлик алоқалари иш жараёнида ўзаро тажриба алмашиш имкониятини бермоқда. Хитой халқ республикаси ёшлар уюшмаси, Миср араб республикаси ёшлар вазирлиги ва Озарбайжон республикаси ёшлар ва спорт вазирлиги билан йўлга қўйилган алоқалар шулар жумласидандир. "Камолот" ёшлар ҳаракатининг вакиллари мазкур давлатларга бориб келишди.

Тегишли ташкилотлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилганлиги сабабли 32 минг 981 нафар ёшлар доимий ва мавсумий иш ўринлари билан таъминланди. Ҳаракат бўлимлари қошида 91 та касб ўргатиш марказлари ташкил этилиб, уларда икки мингга яқин ёшлар таълим олишмоқда. Олий ўқув юртлари талаба ёшларини тақдирлаш, моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати стипендияси таъсис этилди. Бу ўз навбатида илм-фанда юқори кўрсатгичларга эришиш, ёшларнинг жамоат ишларида фаол хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бундай ишларнинг амалга оширилаётганлиги ҳаракатнинг ёшлар ўртасидаги обрўси ва ишончини орттирмоқда.

ГАЗ ҚУВВАТИ ОШДИ

Қиш мавсуми яқинлашгани сайин газга эҳтиёж ортишлиги, бунинг оқибатида босим пасайиши ҳаммага маълум. Бу ҳолатни кўп жойда бўлгани каби ҳар йили Наманган шаҳри аҳолиси ўз бошидан ўтказади. Ана шу етишмовчиликка барҳам бериш мақсадида ўтган йили шаҳарнинг жанубий қисмида 2 та автоматик газ тақсимлаш станцияси бунёд этилган ва бунинг натижасида «зангори олов» таъминоти анча яхшиланган эди. Ана шу ишнинг давоми сифатида қўшимча 4,5 километр юқори босимли газ тармоғи тортишга киришилган эди. Ноябр ойи охирида ушбу иншоотнинг биринчи навбати ишга туширилди. Бунинг самараси ўлароқ Маърифат, Шаршара ва Пскент кўчаларидаги хонадонларга қўшимча табиий газ берилди.

Яқинда тармоқнинг иккинчи навбати ҳам битказилиб 1,6 километр узунликдаги юқори босимли газ тармоғи қурилиши тугатилди. Тез кунлар ичида Тахтакўприк, Соли Адашев номли, Чортоқ кўчаларига ҳам қўшимча газ тармоғи уланади.

Ж.ОБИДОВ

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

Инсонга, бир оғиз ширин сўз, озгина эътибор билан караш ҳамда уларнинг кўнглини олиш савобли иш саналади. Бу хайрли тадбир касаба уюшмалари фаолиятида яхши анъанага айланган.

ФАХРИЙЛАР МАМНУН

Куни кеча Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида узоқ йиллар баракали меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган 50 нафар ёлғиз қариялар, фахрийлар ва боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 200 нафар фарзанди файзли дастурхон атрофига йиғилишди. Корхона раҳбари, Олий Мажлис депутати В.Кучеров меҳмонларни Янги йил билан самимий табриклаб, уларга корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси номидан совғалар топширди. Тадбирда сўзга чиққан меҳнат фахрийси, узоқ йиллар касаба уюшма қўмитасини бошқарган В.Хомова, пенсионер А.Макаровалар кексаларга кўрсатилаётган бундай эътибордан ниҳоятда мамнун эканликларини таъкидлашди.

– Фахрийлар ҳамда болаларга саховат кўрсатиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири, - дейди корхона бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари Мирадҳам Махсудов. – Бугунгидек тадбирлар азалдан халқимизга хос удум. Шу боисдан ҳам 1992 йилдан буён корхонамизда «Меҳр-мурувват» жамғармаси ташкил этилган бўлиб, кўпгина хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Янги йил арафасида корхона раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда ҳомийлигимиздаги 103-мактаб-интернати тарбияланувчиларига совға-саломлар топширдик.

Шу куни тўкин дастурхон атрофида фахрийлар, болалар мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Кексаларнинг дуоси, ногиронларнинг миннатдорчилиги, болаларнинг беғуборлик билан айтган раҳматлари куй-қўшиқларга уланиб кетди.

У.ПЎЛАТОВ

САХОВАТ МАСКАНИ

Маҳалла қадимдан кишилар қалбига меҳр-оқибат туйғуларини сингдиришда муҳим ўрин тутиб келган. 2004 йил Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши бундай эзгу қадриятларимизга янгича маъно ва мазмун бахш этиши шубҳасиз. Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби пойтахтимизнинг Шайҳонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада ҳам кўп болали ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларини дарслик ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминлаш, ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлар ҳолидан хабар олиш яхши анъанага айланган. Маҳалла ҳудудида жойлашган мактаб ва болалар боғчаларини таъмирлаш ҳомийларнинг доимий эътиборида. Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Маҳалла» жамғармаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида мазкур маҳаллада ўтказилган «Маҳалла - меҳр-мурувват ва аҳиллик маскани» мавзуидаги маънавий-маърифий анжуманда шу хусусда сўз юритилди. Тўкин дастурхон атрофига тўпланган кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига совға-саломлар улашилди. Республика ўқувчилар саройи ижодий жамоасининг бадиий-мусиқий чиқишлари даврага янада файз киритди.

ҚУВНОҚ ТАЪТИЛЛАР

Қишки таътил кунлари наманганлик мактаб ўқувчилари Қорбобо, Қорқиз ва бошқа эртак қаҳрамонлари иштирокидаги янги йил арчасини томоша қилмоқда.

«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ушбу театрлаштирилган томошанинг биринчи меҳмонлари бўлди. Байрам дастуридан ўрин олган қўшиқ ва рақслар, интермедиялар ва қўғирчоқ театри спектакли болажонларда катта таассурот қолдирди.

Вилоят ҳокими Т.Жабборов «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ҳузурига ташриф буюриб, уларни янги йил билан табриклади ҳамда Президентимиз номидан янги йил совғаларини топширди.

МИНИ БАНКЛАР - ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожи алоҳида эътиборда. Бу банклар зиммасига муҳим вазифалар юклайди.

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки бу борада ўзининг аниқ дастурига эга. Дастурда жойларда мини банклар очиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

- Банкимиз негизида ташкил этилаётган мини банклар мижозлари сони кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига кундан-кун ортмоқда,- деди «Асака» банк стратегик ривожланиш бошқармаси бошлиғи Қ.Жўраев ЎзА мухбирига. - Сўнгги бир ой давомида Тошкент шаҳри ва вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида саккизта мини банк ташкил этилди.

Жорий ойда Самарқанд шаҳрида банкнинг «Афросиёб» филиали ишга туширилса, йил давомида жойларда яна қўшимча тўртта ҳудудий бўлим ва ўттизта мини банк ташкил этилади.

ҚИШЛОҚДА КОРХОНА

Янгиқўрғон туманидаги Навкент қишлоғида Республика "Болалар" жамғармаси вилоят бўлимининг "Болажон" ўқув ишлаб чиқариш маркази иш бошлади.

Марказда қишлоқнинг 40 нафар аёли ёстиқ жилдлари, болалар уст-бошлари, турли касб эгалари учун махсус кийимлар тикишмоқда. Саккиз нафар аёл гилам тўқийдиган дастгоҳларни бошқаришмоқда.

- Ҳозирча гилам учун ип калаваларни шу атрофдаги ҳунармандлардан харид қилиб турибмиз, - деди марказ раҳбари, "Болалар" жамғармаси вилоят бўлими раисининг муовини Охунжон Алимқулов. - Шу йилдан бошлаб бундай хомашёни "Навоийазот" акциядорлик жамиятидан ола бошлаймиз.

Қандолатчи аёллар ҳамқишлоқларини нон, пряник, коржик, булочка, торт каби ширин егуликлар билан мунтазам равишда таъминлаб боришади.

Аёллардан бир гуруҳи мато қийқимларидан болалар учун ўйинчоқлар ясашади.

Шундай қилиб, биринчи навбатда ёлғиз яшаётган, ногирон фарзанди бўлган оналарни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган марказ ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирча у бир сменада ишламоқда. Марказ ҳомийси -Халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти бу йилдан унинг икки сменада ишлаши учун маблағ ажратяпти.

ТАЯНЧ ПУНКТИ

Бухорода Файзулла Хўжаев тумани ички ишлар бўлимига қарашли 35-милиция таянч пунктининг янги бинoси фойдаланишга топширилди.

Милиция таянч пункти очилишида сўзга чиққанлар мамалакатимизда ички ишлар ходимларининг фаолият кўрсатишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, бу эса ўз самарасини бераётганлигини таъкидлашди. Шунингдек, ички ишлар ходимлари билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда жамоатчилик вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни, вояга етмаганлар ўртасида турли кўнгилсиз ҳолатларни олдини олишга хизмат қилаётганлигини эътироф этишди.

Шунингдек, таянч пункти ходимларига янги "Матиз" автомашинасининг калити топширилди. Янги таянч пункти замонавий алоқа воситалари, кўргазмали куроллар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, спорт билан шуғулланишлари учун таянч пункти қошида спорт майдончаси ташкил этилган.

"Туркистон-пресс"

Хат йўлга чорлади

Таҳририятга Муборак шаҳар 2-митти туман, 1-уй 35-хонадонда яшовчи Туроб Жумаевдан шикоят хати келди. Унда маълум қилинишича, хат муаллифи иқтисодчи, 5 нафар фарзанди бор, айни пайтда III гуруҳ ногирони, «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғининнинг 2001 йил майдаги умумий йиғилиши қарори ҳамда туман ҳокимининг тавсиясига асосан маҳалла қўмитасининг раислигига сайланган.

ЗИДДИЯТ

Адолат юзасидан айтганда Т.Жумаев икки йилдан ортиқ вақт мобайнида масъулиятли вазифада фаолият юритди. Маҳаллада осуда ҳаётни таъминлаш, ободончилик ишларини жонлантириш масалаларига баҳоли қудрат ҳисса қўшган. Мазкур маҳалла 2002 йилда республика миқёсида ўтказилган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловининг совринли ўринларидан бирини қўлга киритган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг Фахрий Ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланган.

Маҳаллада 650 хўжалик бўлиб 3250 фуқаро истиқомат қилади. Ҳозирга қадар қўмита раиси 4 марта алмаштирилди. Таҳририятга мактуб йўллаган Жумаев уларнинг учинчиси. Гап шундаки, у туман ҳокимининг 2003 йил январдаги қарорига асосан вазифасидан озод этилган. 2003 йилнинг ноябр ойидан эътиборан фуқаролар йиғинига А.Меҳмонов раислик қилмоқда.

– Кутилмаган ҳолатлар туфайли сиқилиб шифохонага тушдим, -дея таъкидлайди Т.Жумаев. – Касалхонада даволанаётган бўлишимга қарамасдан 19 апрел куни ҳоким ўринбосарлари М.Чўлиев ва Р.Отаниёзов иштирокида маҳаллада йиғилиш ўтказилиб, вазифамга нолойиқ деб топишибди. Кенгаш аъзолари ва уй бошқарувчилари кенгайтирилган йиғилишининг қарори чиқарилиб, ҳокимиятга тавсия этилибди.

Қизиғи шундаки, 5 майдан эътиборан Т.Жумаев шифохонадан чиқиб яна меҳнат фаолиятини давом эттирган. Сабаби «Ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси талабига кўра кенгаш ҳайъатининг йиғилиши ўтказилиб, унда маҳалла фуқаролар йиғинининг 19 апрелдаги қарори юқорида қайд этилган қонуннинг 18-моддаси талабларига зид бўлганлиги учун ваколатли эмас деб топилиб, бекор қилинган.

Шундан кейин ҳам зиддият давом этди. 1 августдан бошлаб оқсоқол меҳнат таътилига чиқарилган ва шу тариқа вазифасидан озод этилган, деб ҳисобланган.

Шикоят хатини текшириш жараёнида бир-бирига қарама-қарши фикр-мулоҳазаларга дуч келдик. Масалан, туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари М.Чўлиевнинг (собик) тавсифномасига кўра Т.Жумаев ишбилармон, жонкуяр, билимдон киши сифатида таърифланади. Туман ички ишлар бўлим бошлиғи, милиция подполковниги З.Обиловнинг Қашқадарё вилояти ва Муборак тумани ҳокимлигига йўллаган хатида эса Т.Жумаев шахси, юриш-туриши ва бошқа жиҳатлари яхши ўрганилмасдан оқсоқолликка тавсия этилган, дея таъкидланади.

– Сабаби,- дея изоҳ беради ички ишлар бўлими бошлиғи,– у 2001 йил вилоят суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Республика Президентининг Амнистия тўғрисидаги Фармони муносабати билан жазодан озод қилинган. Таажжубки, кўпчилик маҳалла фуқаролари бундан хабардор бўлсалар-да, ўзларига етакчи этиб сайлашган.

Фақат бугина эмас. 2001 йил 31 декабр куни 2-митти туман 1-уй 38-хонадонда яшовчи Раиса Хиристова хонадонига кириб уй-рўзғор анжомларини синдириб аёлни ҳақоратлаган, муштумзўрлик қилиб тан жароҳати етказган. Ушбу ҳолат бўйича жиноий иш кўзғатилиб, Муборак туман жиноят ишлари бўйича суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, Жумаевга 2 йил мобайнида иш ҳақидан 20 фоиз ушлаб қолингани ҳолда аҳлоқ тузатиш жазоси белгиланган. Боз устига Т.Жумаев муқаддам судланган шахс сифатида туман ички ишлар бўлимининг профилактик ҳисобида туради. Ҳайратланарли томони яна шундаки, Т.Жумаевнинг бундай қилмишлари юзасидан туман ҳокимлигига тақдимнома киритилган бўлса-да, у негадир эътиборсиз қолдирилган...

Ҳаётда янглишишлар, хатоликлар бўлиб туради. Бироқ шунчалик айбли бўлишига қарамасдан Жумаев маҳалла қўмитаси раислигига тавсия қилинганлиги ҳар кимда таажжуб уйғотиши табиий. Бироқ инсон азиз, унинг ҳақ-ҳуқуқи амалдаги қонунларимиз орқали ҳимоя қилинади. Демоқчимизки, қайси бир идора, корхона ёки ташкилот бўлсин бирон бир фуқарога чора кўраркан, у адолатли ва албатта қонунларга суянган ҳолда амалга оширилиши керак. Акс ҳолда жабрланувчи суд орқали ҳақ-ҳуқуқини тиклашга ҳақли.Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 77-моддасида «Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади», деб кўрсатилган.

...Вазифасидан бўшатилган оқсоқол судга даъво аризаси киритди. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди Ш.Холиқов раислигида ҳар икки томон даъволари-ю, жавоблари атрофлича ўрганиб ҳал қилув қарорини чиқарди. Яъни суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 203-, 206-, 219 -моддалари талабларини қўллаб, даъвогар Т.Жумаевнинг жавобгар – Муборак туман ҳокимлиги, шаҳардаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда йиғин котибаси С.Қиличеваларга нисбатан ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи, ногиронлик нафақаси ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризасини қисман қаноатлантирди. Шунингдек, суд қарори билан «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши аъзоларининг Т.Жумаевни эгаллаб турган вазифасига нолойиқ деб топиш тўғрисидаги мажлис баённомаси ҳамда туман ҳокимининг ушбу баённомага асосан даъвогарни маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасидан озод қилиш ҳақидаги буйруғи бекор қилинди. Шу тариқа Т.Жумаев маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасига қайта тикланиб,муайян вақт ишлади.

Юқоридаги воқеа барчамизни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Маҳаллаларнинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс. Уни ҳаёт синовидан ўтган, қатъиятли, адолатли, турмуш тарзи барчага намуна бўла оладиган инсонлар бошқариши керак. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро масъулдир!

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Қаҳрамонлар орамизда

ҚЎШ ҚАНОТЛАР

«Ўшанда ўн саккиз ёшда эдим. Энг кўп пахта тергандим. Кузда катта йиғин ўтказилиб, теримчилар каторида менга ҳам бир кийимлик сариқ атлас беришди. Совғани олаётиб, қўлларим титраб кетгани эсимда. Балки бу матони бозордан олганимда шунчалик хаяжонланмасмидим... Меҳнатинг учун берилган мукофот бошқача бўларкан! Мана, ўшандан буён халол тер тўкиб ишлаб, ҳар йили тухфалар оламан. Ахир элнинг назарига тушиш осон эмасда!

(Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги «Фозил бобо» фермер хўжалиги раиси Шарофат Фозилова суҳбатидан)

У самимий, содда ва камтарин аёл. Кўнглининг тозалиги шундоққина юзида акс этиб туради. Сўзамол бўлмаса-да, ишни қойиллатади. Пахтачиликда билими ҳам, тажрибаси ҳам етарли. Сўзи билан иши бир. Шунинг учун атрофдагилар: — Шарофат ориятли аёл, эл олдида ваъда бердими, албатта уддалайди,— дейишади. Унга қаттиқ ишонишади. Бунга сабаб ҳам бор. Шарофатхон опа кўп йиллардан бери тупроқ шароитини ўрганади. Тошлоқ, шўр ёки кучсиз ерларни ишлов бериш йўли билан «созлайди», пахта ва ғалла етиштиради. Тўплаган тажрибаларига таяниб, уч йил аввал фермер хўжалиги ташкил этди. Даштдаги қаровсиз, бегона ўт босган майдонларни тартибга келтирди, ярмига пахта, ярмига ғалла экди. Бироқ дастлабки йилда ҳосил кутилганидан кам бўлди...

Бундай вақтда деҳқон нима қилиши керак? Ишловни кучайтиргани маъқулми, ёки меҳнатчилар сонини оширсинми? Балки техника кучи етишмаётгандир?! Нима бўлса-да, бирор тадбир ўйлаши зарур. Шундан сўнг битта «Белорус» трактори сотиб олди. Ишловчиларни саралаб, ўрнига қўйди. Умр йўлдоши ва ўғилларининг мададига таянди.

- Ўша йили агротехника қоидаларига кўра ғўзалар тўққиз марта ишловдан чиқарилди, уч маротаба суғорилди. Кечаю кундуз тиним билмай ишладик. Режани бажариб, юзимиз ёруғ бўлди, - дейди Шарофатхон опа. - «Иш билганга минг танга» деганлари рост экан. Яхшигина даромад ҳам олдик...

Сиз кеч кирганда пахтазорни ҳеч кузатганмисиз? Олтинранг қуёш даланинг адоғига ботаёгандек туюлади. Жимжитлик кўнгилларни



аллалайди. Руҳ ана шу сокинликдан ором олади. Шарофатхон опа бундай кезларда даласи томон ошиқади. Бажарилган юмушларни сарҳисоб қилиш, эртанги кун режасини тузиб олмоқ учун энг қулай палла шу. У беихтиёр ўтган кунларига назар ташлайди. Форишнинг олис қишлоғига келин бўлиб узатилган йиллар-даёқ меҳнатсеварлиги билан тилга тушгани, Жиззахга кўчиб келгандан сўнг пахта ишида ўзини кўрсатгани, фермер сифатида ном чиқариб катта давраларда унинг ютуқлари ҳақида гапирилаётгани...

Меҳнат - саодатга элтгувчи ягона йўл.

Истиқлол меҳнаткаш одамларнинг омад йўлини очди, уларга имкон берди. Хайрли ва эзгу ишларга илҳомлантирди. Шу боисдан ён-атрофимизда бой-бадавлат одамлар кўпайди. Ўз уйига, маҳалласига, юртига фойда келтириб яшаётганлар сафи кенгайди. Шарофат опа ҳам шуларнинг бири.

- Баъзилар кафтдеккина жойда ҳосил етиштириб, даромадига уйжой, машина сотиб олади. Баъзи бировлар эса экин майдонларни ҳам қаровсиз қолдиради, сўнг ўзгаларга аҳволидан нолиб юради. Мен меҳнатнинг кучига ишонаман. Астойдил ишлаган одам ўз оиласининггина эмас, балки ўзгалар хонадонининг дастурхонига ҳам барака келтиради, - дейди у.

Дарҳақиқат шундай.

Меҳнат Шарофат опага обрў келтирди. Бойлигига бойлик қўшди. У эндиликда қишлоқ боғчалари, мактаблар ҳамда камдаромадли оилаларга имкон қадар ёрдам уюштиради, ён-атрофдагиларга қўлидан келганича кўмаклашади. Гоҳ совға-салом, гоҳ пул, гоҳида гўшт-ёғ улашди.

—Инсонлар бир-бирларига ҳамиша керак, шундай экан, бир-бировларидан меҳрини, эътиборини дариғ тутмаслиги лозим,— дейди опа.

Оила бошлиғи Муҳаммаджон Фозилов ўғиллари - Узоқбой, Хайрулла, Аброржонлар билан биргаликда эрта тонгданоқ Шарофат опанинг далалари томон шошилишади. Бир дунё юмушларни бажариб, ҳаммалари уйга қайтишади. Дастурхон атрофида суҳбат қуюқ бўлади. Ота ва ўғиллар бажарилиши зарур бўлган юмушларни белгилаб олишади. Янги режалар билан янги кун бошланади...

- Умр йўлдошим ва ўғилларим менинг қўш қанотларим. Ҳар бирларининг қўллаб-қувватлаши, меҳр ва кўмаги кучимга куч қўшади, шуларга суяниб илгарилаяпман, - дейди Шарофатхон опа.

...Бир пайтлар Фозил бобо келини далага отланаётганида уни тўхтатиб, «Шарофатхон болам, ерни ардоқлаганни эл ҳам ардоқлайди. Мўлкўл ҳосил етиштириб, бой бўламан десанг ерга кўпроқ ишлов бер» дер эди. Пахтачилик илмини яхши билган кекса деҳқоннинг бу ҳикмати Шарофат опанинг қулоқларига бир умр сингиб қолди.

Бу ҳикматни у ҳали жуда кўп маротаба эслайди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА



«Халқ банки»нинг Пскент туман бўлимида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пенсионерлар, ногиронлар, кўп фарзандли оилаларга давлат томонидан ажратилаётган маблағларни ўз вақтида, бекаму кўст етказиб бериш тўлиқ уддаланмоқда.

Суратда: кредит бўлими бош мутахассиси Фарҳод Усмонқулов ва оператор Хури Абдуллаева.

ЎХШАШИ КАМ

Ангор туманида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Сурхонэкспорт» масъулияти чекланган жамиятда савдо ишлари яхши йўлга қўйилган. Айни чоғда бу ерда ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси қурилмоқда.

Жамоа «Пахта Банк» орқали 610 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, Туркия давлатидан ишлаб чиқариш мосламаларини олиб келди.

– Корхонамиз ишга туширилгач, бир кеча-кундузга 30 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлади, - дейди биз билан суҳбатда жамият раиси А.Зиёқулов. – Айни вақтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Хуллас корхона ишга тушгач бир йилда 11 минг тонна техник хомашё қайта ишланади. Муҳими 70 нафарга яқин иш ўрни яратилади.

А.РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида "Ўзбекистонда сайёҳлик хизматини такомиллаштиришнинг иқтисодий дастаклари" мавзуида анжуман ўтказилди.

ТУРИЗМ - МУРАККАБ СОҲА

Тадбирнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётида туризмнинг ўрни ва аҳамияти, миллий сайёҳлик заҳираларини баҳолаш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашиш эди,-деди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети халқаро туризм факультетининг декани Муҳаммадбек Эрматов. - Яна бир жиҳати, кўрсатилаётган хизматлар сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, шунингдек, республикамизда сайёҳлик соҳасининг имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини аниқлаш вазифаси қўйилган эди.

Анжуманда Ўзбекистон фирмалари асосан сайёҳларни хорижий мамлакатларга жўнатиш билан шуғулланиши, чет эллик меҳмонларни кутиб олиш ишлари билан банд корхоналарнинг саноқли экани қайд этилди. Хорижий сайёҳларни кутиб олиш туризмдаги мураккаб йўналишлардан бири экани маълум. Аммо, сайёҳлик маҳсулотини яратиш ва уни ташқи бозорда сотилишини ташкил этиш юксак маҳорат ва катта меҳнат тажрибасини талаб қилади.

-Яна бир муаммо шундаки, маҳаллий туризм билан шуғулланадиган корхоналар озчиликни ташкил этади. Фуқароларимизнинг мавжуд туристик йўналишлар, тарихий жойлар, табиатимиз гўзаллигидан баҳра олиб хордиқ чиқаришлари, республикамизнинг қатор тарихий шаҳарлари ва ҳудудлари хусусида ўз билим доираларини кенгайтиришларига эса унчалик эътибор берилмаяпти.

Тадбир иштирокчилари туроператор, турагент ёки экскурсия агентлиги ўртасида аниқ бир фарқ йўқлиги хизматлар бозорида маълум қийинчиликларни юзага келтираётганини таъкидладилар. Ўзбекистондаги аксарият меҳмонхоналар, сайёҳлик мажмуалари асосан чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган. Аммо хизмат кўрсатишда ҳар доим ҳам халқаро андозаларга амал қилинади, деб айтиш қийин. Мавжуд меҳмонхона ва ресторанларда юқори малакали ходимлар етишмайди.

Инсон омили бўйича менежерлар орасида ўтказилган сўров натижаларидан ихтисослашган ўқув муассасаларида махсус тайёргарликдан ўтган хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлган эҳтиёж 98 фоизни ташкил этиши аён бўлди.

-Бўлажак мутахассисларни тайёрлаётганда ўқитишнинг энг илғор усулларидан фойдаланиш лозим,-деди "Туризм сервиси" кафедраси мудири Даря Ли. - Талабалар амалий тажрибаларини ортиришлари учун сайёҳлик корхоналарида кўпроқ ишласин, шунда кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлик даражаси ошади.

"Туркистон пресс"

Аҳлоқ-одоб мавзуида

КЎЗИНГНИ ОЧ, ЙИГИТ!

Жаннат оналар оёғи остидадир. Бу ёруғ жаҳонда азизу мўътабар зот аввало онадир. Фарзандини еру кўкка ишонмай тунларни тонгга улаб, боши узра парвона бўладиган, ҳамиша, ҳар кандай шароитда нуридийдам дея куюб-пишадиган ҳам онадир. Шу боис оналар олдида бир умр қарздормиз.

Иймонли, ўзини ҳурмат қилган, ҳаётнинг мазмунмоҳиятини қалбдан англаган инсон аввало волидаи муҳтарамасининг ҳурматини жойига қўяди, кўнглини овлаб, дуосини олади. Бироқ оз бўлса-да, шундай кимсалар борки, улар табаррук зотни ҳурмат қилиш, хизматида бўлиш ўрнига қалбини доғлайдилар, онаизорни маломатларга қўядилар. Қўрғонтепа туманидаги «Қўштепа» ширкат хўжалиги ҳудудида рўй берган воқеа фикримиз далилидир. Турли сабабларга кўра йўлдан адашган, эндиликда афсуслар қилаётган бағритош фарзанд исмини ўзгартириб ҳикоя қилаяпмиз.

Комила опа оиланинг устуни. Тўнғич келини оламдан ўтгандан кейин рўзғор юки унинг елкасига тушди. Беш неварани оқ ювиб, оқ тараш, ошхонада куймаланиб овқат тайёрлашнинг ўзи бўладими? Бу орада қўлига игна тутиб маҳалланинг кўрпатўшагини қавиб, топган пулини фарзанди Розиқнинг қўлига тутқазганларичи.

Бахтга қарши онаизорнинг бу машаққати, меҳрибонлиги ўғлидан ҳақорат, калтак бўлиб қайта бошлади. Негаки, ноқобил фарзанд ҳеч қаерда ишламай ичкиликка ружу қўйди. Панд-насиҳатлар зое кетди, бир ҳунарнинг бошини тутишга бўйин ёв бермади. Ота-она катта давлат, бошимиз узра соябон, айни пайтда ғанимат эканлигини афсуски Розиқ вақтида тушуниб етмади.

Бир куни у жанжал кўтариб, ўғли Фарҳоджонни зўр бериб ура бошлади. Ҳовли супураётган Комила опа орага тушмаса, неварасининг ногирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Кутилмаганда Фарҳод қорнини чангаллаганча, отанинг тепкилари остида додларди. Неварасининг ноласига чидай олмаган онаизор жон талвасасида белкуракни олиб ўғли Розиққа юзланди:

– Ақлингни йиғ, жаҳл келса, ақл кетар, дейдилар. Ахир, гўдакда нима айб?

Бироқ Розиқ шаштидан тушмади. Аксинча, онасини ҳақоратлашга тушди. Боз устига Комила опани елкасидан чангаллаб итқитиб юборди. Мусичадек ҳоли бор аёл нарвонга, сўнг деворга урилиб, инграганча ўзидан кетди.

Можаро устига қўни-қўшнилар чиқишди. Нобакор фарзанд ҳолсизланган онасига ёрдамга шошилиш ўрнига барчага ўшқира кетди. Бироқ кўпчилик катта куч. Кимдир муштипар аёлнинг қўлтиғидан кириб суянчиғ бўлди, бошқаси «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Шифохонада маълум бўлдики, Комилахон аянинг сон суяги синган, ҳолсизланган.

Она безорининг бу каби қилмишларининг биринчиси эмасди. Унинг хурмача қилиқларига девор дармиён қўшнилар гувоҳ. Боз устига катта ўғил ота зулмидан бош олиб Андижон шаҳрига кўчиб кетган. Бўйига етган қизлари эса ҳақоратлардан безиб, яқин қариндошларнинг хонадонларидан паноҳ топишганди. Ичкиликка ружу қўйган, андишани йўқотган Розиқни маҳалла-кўй ўзидан узоқлаштириб қўйганди.

Яқинда безорининг иши Қўрғонтепа туман жиноий ишлар судида кўрилди. Йигит қора курсида бош кўтаролмай ўтирарди. Сўнгги сўзида онасига қўл кўтарганлигидан пушаймонлигини айтиб, суд ҳайъатидан, маҳалла-кўйдан кечирим сўради. Лекин ўзидан, виждонидан қочиб бўлармикан?!

Маҳалла оқсоқоли К.Ҳусанов судда шундай гувоҳлик берди:

– Ушбу шахс маҳалламизда жанжалкаш сифатида танилган. Бошқаларни қўяверинг, ўз онаси, фарзандлари билан чиқишолмайди. Икки кунда можаро кўтариб, кўпнинг тинчини бузади. Қўйингки, эндиликда ундан ҳамма безиган. Розиқни тўғри йўлга қайтаришга қанчайин урунмайлик, фойдаси бўлмаяпти.

Юртимиз, давлатимиз, қонунларимиз меҳр-мурувват, хайру саховатнинг мустаҳкам қўрғони. Президентимиз Фармойишида ҳам оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкам қарор топтиришга даъват этилади. Суд йўлдан адашган фарзандининг қилмишлари қанчалик оғир бўлмасин, унинг пушаймон қилганлигини, серфарзандлигини ва бошқа жиҳатларни инобатга олди. Аммо савол туғилади, бундан нобакор фарзанд ўзига тўғри хулоса чиқара оладими? Дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган онаизори олдидаги гуноҳларини ҳалол меҳнати, яхши хулқ-одоби билан ювa оладими? Ҳамма гап мана шунда.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

УШБУ СЎЗЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОСИНИ БИЛАСИЗМИ?

АМНИСТИЯ - Жиноят содир қилган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

АППЕЛЯЦИЯ – бир қанча хорижий мамлакатлар ҳуқуқида ҳали қонун кучига кирмаган суд ҳукмлари ва қарорлари устидан шикоят бериш. Аппеляция суди ишдаги мавжуд исботларни тафтиш этиб янги исботларни кўриб чиқади, ҳукмни тасдиқлайди ёки янги ҳукм чиқаради (Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқида суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг шакли – кассация).

БАНДЛИК– Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунида таъкидланганидек, иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий-ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир. Фуқаролар унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этишлари мумкин ва ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш борасида мутлақ ҳуқуқга эгадир. Мажбурий меҳнат,яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш таъқиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни маъмурий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНАДИГАН НАФАҚА – давлат ижтимоий таъминот фондидан ажратиладиган маблағлар. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 282-288-моддаларида белгиланган.

ДАЪВО АРИЗАСИ – даъво билдиришнинг ташқи шакли. Даъво аризаси қуйидаги белгиланган реквизитларга эга бўлиши керак: йўлланган суднинг номи, томонлар номи ва манзиллари, даъвонинг фактик асослари ва уларни тасдиқловчи далиллар, даъвонинг мазмуни ва нархи, илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати. Ариза жавобгарларнинг сони бўйича нусхалар билан берилади.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ – Миллий валюта қийматининг жаҳон пул стандартларига нисбатан пасайиши.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига биноан, қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари.

КАРНЕТ – чегара орқали юкни автомобил транспортида энг кам расмиятчиликлар билан олиб ўтиш учун божхона рухсатномаси.

МЕДИАТЕР – халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш ёки халқаро низоларни ҳал этишда воситачилик қилиш.

МЕДИАЦИЯ – халқаро ҳуқуқ талабларига асосан халқаро низоларни ҳал этишда учинчи томон бўлиб қатнашадиган давлат.

ФУҚАРО – муайян давлатга (конституциявий ва халқаро ҳуқуқда) ҳуқуқий асосда тегишли бўлган шахс. «Фуқаро» муайян ҳуқуқий лаёқатга, ҳуқуқлар, эркинликларга ва мажбуриятларга эга. Муайян давлатнинг фуқароси ушбу давлат ҳудудидаги хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ўз ҳуқуқий мавқеига кўра фарқ қилади. Чунончи, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар фақат фуқаролардан, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни ола биладиган ва амалга ошира оладиган, мажбуриятларга эга бўла оладиган даъвогар ва жавобгар сифатида судда қатнаша оладиган ташкилот. Юридик шахслар ўзининг мустақил баланси ёки сметасига эга бўлишлари керак.

ЮРИДИК КАФОЛАТЛАР – Фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг қонунда мустаҳкамланган воситалари, уларни амалга ошириш усуллари ҳамда қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий тартибни, шахсни, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш воситалари.

Шерзод СОЛИЖОНОВ,
Яккасарой тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими катта инспектори

«ҲУНАРМАНД»ДА ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қамаши туманидаги "Ҳунарманд" ишлаб чиқариш фирмасида Эрон технологиялари асосида макарон ишлаб чиқарилмоқда.

Жами қиймати 85 минг АҚШ доллари миқдоридаги ушбу технологик линия ўн икки турдан ортиқ макарон маҳсулотларини тайёрлаш ва қадоқлаш имкониятини беради,-деди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси А. Қосимов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бу ускуналари фирма ҳеч қандай кредитсиз, ўз маблағи эвазига сотиб олди. Ҳозирча фирмада ўн турдаги макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Яқин кунларда қадоқлаш линияси ҳам ишга туширилади.

Шарҳловчи минбари

ЕВРОПАДА ЯНГИЧА ТАРТИБ ҚАРОР ТОПМОҚДА

Европа мамлакатларининг интеграциялашув жараёни аҳоли учун қандай натижалар бериши мумкин? Европаликларда бу борада қандай фикрлар шакллаанмоқда?

Ўтказилган ижтимоий сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, Европанинг бирлашуви, айниқса ягона валютанинг жорий қилиниши минтақа аҳолисининг руҳини янада кўтарган. Сўровда Европа халқининг олтмиш фоиздан ортиғининг янгича ҳаётдан мамнун экани маълум бўлди.

Евро жорий қилинганидан сўнг Европада ички чегаралари барҳам топди. Тасаввур қилиб кўринг, бир шаҳардан бошқаси томон йўл олган одам йўл-йўлакай қанча давлатлардан ўтганини деярли пайқамайди. Харид ва бошқа харажатлар учун евродa ҳақ тўланади. Паспорт билан эса ҳеч қимнинг иши йўқ.

Ўтказилган бошқа тадқиқотлардан маълум бўлишича, минтақа аҳолисининг аксарияти Европа Иттифоқи деганда энг аввал еврони кўз олдига келтирар экан. Берлин университети профессори Томас Риссе, киши ўзини европалик сифатида ҳис этиши учун рамз даражасидаги шундай аниқ бир омил зарур, деган фикрни айтади. Унинг таъкидлашича, бугунги кунда Европада фуқаролик ва сиёсий бирликнинг рамзлари маданий ва тарихий бирлик рамзларига нисбатан муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Булар қаторига биринчи навбатда ягона байроқ ва ягона валюта киритилади.

Маълумки, Норвегия ҳали ЕИга кирмаган. Аммо, бу ерда ҳам минтақадаги бошқа давлатлар каби эркин ҳаракатланишни кузатиш мумкин. Сабаби, Норвегия Шенген ҳудуди битими аъзоси ҳисобланади.

1985 йилда Люксембург князлигининг Шенген шаҳарчасида имзоланган мазкур битимда Европанинг қатор мамлакатлари ҳудудида Оврупо фуқароларининг эркин ҳаракатланиши кўзда тутилган. Шенген ҳудудига шунингдек Исландия ва Лихтенштейн ҳам киради. Мазкур давлатлар ЕИга аъзо эмас, бироқ улар умумевропа бозорининг ажралмас қисмидир.

Сўнгги йилларда минтақадаги барча мамлакатларда ҳукуматлар ўз ваколатларининг муайян қисмини расмий Брюсселга (ЕИ бош қароргоҳи шу ерда жойлашган), қолганини эса ҳудудий бошқарув органларига топшириш жараёни кучаймоқда. Масалан, Буюк Британия таркибидаги Шотландия ўз парламентига, Уэлс ҳам ўз қонунчилик йиғинига эга бўлди. Италия маъмурий-ҳудудий бўлинмаларида ҳам янги ваколатларга эга ҳукуматлар пайдо бўлди. Ҳозир Брюсселдаги ЕИ бош қароргоҳида минтақанинг икки юзга яқин маъмурий тузилмаси ўз ваколатхонасини очган. Уларнинг мутасаддилари Европа вазирлар қенгашида марказий ҳукуматлар вакиллари билан тенг ҳуқуқли мақомда иштирок этади.

(ЎзА)



Сурхон заминида қадимий маданият излари кўплаб топилган. Улар бизга кўҳна тарих қаърида яширинган сир-синоатлардан сўзлайди. Бой қадимий топилмалар жамланган вилоят археология музейига ташриф буюрган киши ўзини ўтмиш замонларга бориб қолгандек ҳис қилади. Музей 9 та бўлимдан иборат бўлиб, уларда I-II асрлардан 1882 йилгача бўлган тарихий экспонатлар ўрин олган.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар

Ибрат

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН спорт мажмуалари

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида спортни ривожлантиришга қаратилган талай ишлар амалга оширилмоқда. Айникса, «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш ҳақида»ги фармондан кейин бу борадаги ишлар янада жадаллашиб кетди.

Вилоят ва туман марказларида янгидан-янги спорт иншоотлари, ўйингоҳлар қурила бошланди. Спорт мактаблари ишларини яхшилашга эътибор кучайтирилди. Айни пайтда вилоятнинг Ҳазорасп, Боғот, Ҳонқа туманларида 2-тип болалар спорти мажмуалари қурилишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Мажмуада шинамгина зал, футбол, баскетбол, югуриш майдончалари, тош кўтариш, бокс бўлимлари бўлади.

Эътиборли томони шундаки, бу болалар спорти мажмуалари ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда.

Яқинда Янгибозор туман марказида лойиҳа қиммати 153 миллион 750 минг сўмлик спорт мактаби ва 142 миллион сўмлик 5 минг ўринлик ўйингоҳ ишга туширилди. Ушбу мажмуа қурилиши ўтган йилнинг август ойида бошланган эди. Туман ҳомий ташкилотларининг фидойилиги туфайли бу улкан иншоот бир йилда қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги ўқув йилининг дастлабки куниданоқ спорт мактабида ўқув машғулотлари бошлаб юборилди.

Спорт мактаби ва ўйингоҳ қурилишига «Кимётаъминот» корхонаси туман бўлими, 9-автокорхона, Янгибозор қурилиш-монтаж бошқармаси, хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна, «Жайҳун» ва «Боғолон» ширкат хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Муҳими, янги йилда ҳам вилоятнинг бошқа туман марказлари ва хўжаликларида болалар спорти мажмуалари қурилиши давом эттирилади.

Эргаш ЎТАМУРОТОВ, Тошкент давлат юридик институти талабаси

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

ЮНЕСКОнинг карори билан бу йил Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Мамлакатимизда ана шу қутлуғ санага пухта ҳозирлик кўрилаяпти.

НАҚШИНКОР ВА МАФТУНКОР

Буюк Ипак йўли ўтадиган серқатнов манзилда жойлашган қадимий Насаф жуда кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳи. Македониялик буюк фотиҳ Искандар Зулқарнайн босқинчилари, араб ва турк истилочилари отларининг туёғи остида топталган, Чингизхон лашкарлари вайронага айлантирган қадимий Нақшаб ҳар томонлама гуллаб-яшнаган, иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланган аҳоли истиқоматгоҳларидан бир бўлган.

Ўзининг кўлами бўйича кўҳна Бақтриядаги Балх, Месопотамиядаги Сузан шаҳарларидан қолишмайдиган шаҳар бўлганлигини Қарши қалъасининг энг биринчи пойтахти қолдиқларидан қолган харобалар яққол исботлаб турибди.

Маҳмуд Қошғарий (XI аср) «Девони луғотит турк» асарида Қарши - шоҳ қасри, Қарши - тескари, Қарши - икки бек орасидаги қаршилик маъноларида изоҳланади. Хуросонлик тарихчи, табиатшунос олим Ҳофизи Абрў ўзининг географик асарида «Нақшаб вилоятида Кеш сувидан бошқа дарё йўқ ва у ёзда қуриб қолади, баъзи боғлар қудуқлардан сув олади, туркий тилда подшоҳнинг қасрини Қарши дейдилар. Кебек подшо у ерда Кўшк (сарой) бунёд этган ва шундан Қарши номи машҳурдир», деб ёзади.

Олим ва шоир, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Қарши атамасини қуйидагича изоҳлайди. «Яна Қарши вилоятидурким, Насаф, Нақшаб ҳам дерлар, Қарши муғулча отдир, Қарши дерлар, Голибо бу от Чингизхон тасарруфидан сўнг бўлғондир». «Баҳори хўп бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур. Самарқанддин жануб саридур, бир нима ғарбқа мойил, 18 йиғоч йўлдир, бағри қаро йусунлиқ қушгина бўлурким, қил қуйруқ дерлар. Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоя кўп бўлғони учун навоҳида мурғаки Қарши дерлар».

70-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон Фанлар Академиси археология институтининг махсус экспедицияси Ерқўрғон харобаларида қазиш ишларини бошлаб юборади. VI асрда вайронага айланган шаҳар қолдиқлари XX асрга келиб ҳам сақланиб қолганлиги бениҳоя қимматли.

Қашқадарё тарихини ўрганиш жонкуяри, археолог олим тарих фанлари доктори, профессор Рустам Сулаймоновнинг Қарши ўтмишини аниқлаш ва халққа маълум қилишдаги хизматлари катта. Тарих фанлари доктори А.Саъдуллаев, К.Шониёзов, таниқли тилшунос, тарихимиз ва маданиятимиз фидойиси П.Равшановнинг Насаф тарихини аниқлаш йўлидаги хизматлари беқиёс.

Ўтмиш афсоналари - келажак умиди. Археолог олим Р.Сулаймоновнинг ёзишича, жанубий Сўғдиёнанинг пойтахти ҳисобланган Ерқўрғон савдогарлари Буюк Ипак йўли орқали Мағриб ва Машриқ мамлакатларигача бориб етишган. Ерлик халқ Александр Македонский лашкарлари ҳужумларига мардонавор қаршилик кўрсатган. Араблар истилоси ва мамлакатда ислом динининг жорий этилишига қадар суғдийлар юқори тамаддунга эришган эрксевар халқ даражасига етган. Уларнинг моддий ва маънавий маданияти ўзига хос хусусиятга эга. Тасвирий санъат, кўп худолилик мафкураси ривожланган. Мамлакат Мовароуннаҳр деб атала бошлангандан кейин суғд тили VIII-IX асрларга келиб ўз ўрнини форс тилига бўшатиб берган.

Тадқиқотлар Нақшабнинг дастлабки пойтахти Ерқўрғон икки қатордан иборат ўтиб бўлмас девор билан ўраб олинганлигини исботлади. Биринчи деворнинг пойдевори қурилиши эрамиздан аввалги VI асрга тўғри келади. Тупроқ қатламларидан эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига тааллуқли бўлган идиш қолдиқлари шаҳар ҳокими саройи, ибодатхона, дахма, мақбара, темирчилар ва косиблар маҳалласидаги уй-жой харобалари топилди.

Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимий шаҳар девори қурилгунга қадар дастлабки темир асри даврида деҳқончилик манзилгоҳи вужудга келган ва ҳунармандлар сопол идишларни кулолчилик чархида эмас, балки қўлда ясаб, пиширишдан олдин уларга эгрибугри, учбурчак шаклида безаклар билан, қизил ва жигар рангда бўяб жило беришган.

Шаҳар атрофида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадиган ўнлаб қишлоқлар жойлашган. Бухородан кейин иккинчи ўринда турадиган Қаршида XX асрнинг бошларида 20 дан ортиқ маҳалла (гузар) лар фаолият кўрсатган.

Рус элшунос олимаси О.А.Сухаревانинг «Бухоро хонлиги шаҳарлари тарихига доир» асарида Қаршида Мирдуши, Оғалиқ, Чубин, Хонақо, Ҳаррот, Шаршара, Бегларбеги, Хитой, Уймовут, Эронгузар, Қозихона, Ҳаромсарой, Дарвозаитутак, Бойгузари, Мирзалатип, Темирчи, Ҳалвогар, Кулолгузар, Чилангарон маҳаллалари ва шаҳарга туташган Чармгар, Кўрғонча, Зоғза, Арабхон (Қумработ), Бузробот (Бузрукобод), Бешгумбаз, Маҳсумобод, Қарликхона каби 20 та қишлоқча (маҳаллот)ларнинг рўйхати келтирилган. Тўпланган этнографик маълумотларга кўра Дегриз, Мисгарлик, Кунунгарлик, Кўкчи, Заргар, Киргигузар, Сандиқчи, Дукчи, Косагир, Дурадгор, Алачабоб каби гузарларнинг мавжудлиги аниқланди.

Қаршининг шарқий томонида Тутак, ғарбида Номозгоҳ, шимолида Хиёбон, жанубида Шаршара дарвозалари бўлган. Энг гавжум жой Шаҳристон ҳисобланиб, атрофида дўконлар, тимлар, савдо расталари ва карвонсаройлар жой олган.

Насафлик савдогарлар Рус, Хитой, Ҳожи Тархон (ҳозирги Астрахань), Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Хоразм, Туркманистон, Қозоғистон томонларга қимматбаҳо гиламлар, қўлда тўқилган матолар, сара қорақўл терилари, жун буюмлар олиб борганлар. Қарши чўлида боқилган минглаб зотдор отлар дастлаб Хоразмга олиб кетилган ва хорижга қиммат баҳоларда сотилган.

XIII асрда Чингизхон лашкарларининг Насаф шаҳрини вайронага айлантиришига қарамай бу юртдан кўплаб иқтидорли алломалар етишиб чиққан. Маданият, илм-маърифат, маънавият, миллий қадриятлар ривожланган. Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда деб аталмиш темурийзодалар ва бошқа аслзодалар дафн этилган хилхонанинг XIV асрда қурилган мақбараси пештоқида уста Али Насафий деб ёзиб қўйилган. Бениҳоя чиройли нақшланган бу ёдгорлик ҳамюртимиз қўлида сайқал топган.

Шаҳар атрофи ширин-шакар мевазор боғлар ва сершира узумзорлар билан ўралган. Боғбонлар тайёрлаган анжир ва ўрик қоқилари, майизлар, узум ва тут шиннилари хорижга жўнатилган. Кучкакнинг тилёрар анжири, Лағмоннинг болдан тотли узуми 1912 йилда Германиянинг Лейпцик шаҳрида ўтказилган бутунжаҳон ярмаркасида олтин медал билан мукофотланган.

Қаршининг 2700 йиллиги олдидан шаҳар тарихига доир кўпгина муаммоларни ҳал этиш керак бўлади. Аввало, буюк бобомиз Амир Темур томонидан қурилган қалъа қолдиқлари, Шаҳристон, Сардоба, Қарши беклиги маҳкамаси жойлашган жойларни тадқиқ этиш лозим.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи директори, Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, тарихнавис ёзувчи ва драматург Солижон Пўлатов таъкидлаганидек, шаҳар ўтмишига оид илмий рисола чоп этиш ва Насафнинг қадимий марказида вилоят ўлкани ўрганиш музейининг янги биносини қуриш айни муддаодир.

Бир вақтлар Чармгар мавзеини Бешкент ариғи кесиб ўтар ва сув тегирмони узлуксиз ишлаб турарди. Серманзара боғлар ва экинзорларга обиҳаёт етиб борар эди. Пахта яккаҳокимлиги даврида ариқ кўмилиб кетди. Салқин ва тоза ҳаво манбаи, Бешкент ариғини тиклаш пайти келди.

Буюк истиқлолдан нур олган Қарши янада нақшинкор ва мафтункор бўлиб бормоқда.

ЁЛҚИН

«ДОДАГИНАМ»

Премьера

Пойтахт театрларида ранг-баранг, инсонни жиддий мулоҳаза юритишга ундовчи спектакллар намойиши бўлиб ўтмоқда. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида ёш драматург Набижон Ҳошимов қаламига мансуб «Додагинам» номли икки пардали асар премьераси бўлиб ўтди.

Мусиқали комедиянинг асосий ғояси меҳр-муҳаббат, мурувват туйғулари тараннумига бағишланган бўлиб, воқеалар ота ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар теграсида кечади. Касб-корлари, турлича бўлган фарзандлар ўзларига тўқ яшасалар-да, нафс балосига йўлиққандирлар. Улар қариб қолган отани қаровсиз, ночор аҳволда қолдирадилар. Ота эса уларнинг меҳрига ташна, лекин бу фарзандларнинг меҳрсиз муносабатларида у ўзини гуноҳкор деб ҳисоблайди. Фарзандларини уйли-жойли, ўқимишли қилгану, аммо меҳр беролмаганига ўкинади. Маҳалладаги дўкондор Ҳошим бу аҳволга чидай олмай, фарзандларининг ғафлат босган кўзини очиб қўйиш мақсадида бир хийла ўйлаб топади. Натижада фарзандлар ота уйига кўчиб ўтади. Шу баҳона эски уй қайта таъмирланади.

Спектакл ака-укалар ва келинлар ўртасида вужудга келган қарама-қаршиликларнинг ривожланиб бориш жараёнига қурилган бўлиб, у томошабинни ҳам кулдиради, ҳам жиддий фикр юритишга ундайди. Асосий ролларни ижро этган Ўзбекистон халқ артистлари Суръат Пўлатов, Наима Пўлатова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳамид Тўхтаев, Равшан Солиҳов, артистлар Нафиса Хўжамқулова, Мақсуда Отажоноваларнинг бетакрор қўшиқлари асарни янада жозибали қилган. Асарга иқтидорли артист Маъруф Отажонов режиссёрлик қилган. Куй-қўшиқларга Акром Ҳошимов куй басталаган.

Асарнинг ёшлар тарбиясида, маҳалла ва оила ўртасидаги ўлмас анъаналарни камол топтиришда, ота-она ҳурматини жойига қўйиш фарзлари хусусидаги ўрни, айниқса, юқоридир.

Хонбиби ҲИММАТ қизи, журналист

Тарбия маскани

БЎШ ВАҚТДА ТЎГАРАКЛАРГА

Арнасой туман халқ таълими бўлимига карашли болалар ва ўсмирлар ижодий марказида 13 та тўгарак ташкил этилиб, уларга 476 нафар ўқувчи жалб этилган. Бичиш-тикиш, зардўзлик, наккошлик, тасвирий санъат, кураш, бокс тўгараклари учун махсус хоналар ажратилиб, жиҳозланди.

- Туман халқ таълими бўлими ҳомийлик кўрсатмоқда, - деди марказ раҳбари Адолат Қодирова. - 10 та тикув машинаси, зардўзлик материаллари, спорт жиҳозлари олиб беришди.

Тўгарак қатнашчилари учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Марказ қошида ошхона ишлаб турибди. Хоналар иссиқ ва шинам.

- Тикув тўгарагига қатнаётганимга уч йил бўлди, - дейди Абдулла Қаҳҳор номли 8-умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчиси Амина Чинниқулова. - Анча қўлим келиб қолди. Уйда тикув-бичув ишларини бемалол ўзим бажараяпман. Зардўзликка меҳрим бор. Бўш вақтларимда шуғулланаяпман.

Ёшларимизнинг баркамол, билимли ва етук инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Мазкур марказда бу борада анча ишлар амалга оширилаётир. Дарсдан сўнг бўш вақтларини беҳуда ўтказмасликлари мақсадида ёшлар иштиёқларига қараб тўгаракларга жалб қилинмоқда. Бу ер ҳамиша болалар билан гавжум. Тўгарак хоналари худди ишлаб чиқариш корхоналарини эслатади.

Н.НОРИЕВ

Суратларда: ўқувчилар зардўзлик машғулотида; марказ мураббийлари ўзаро мулоқотда; тикув гуруҳи мураббийси Гулнора Мирзақулова шогирдлари билан.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ БОКСЧИСИ

Ўзбекистон Бокс федерацияси ўтган йилнинг қаҳрамонларини маълум қилди.

Бокс бўйича терма жамоа аъзолари ўтган йилда кўпгина халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Мавсумда ўтказилган Афраосиё, Марказий Осиё ва ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида спортчиларимиз муваффақиятли қатнашди. Айнан шу учта мусобақада боксчиларимиз терма жамоамизга 26 та медални тақдим этишди.

Дилшод Маҳмудовнинг ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида энг яхши боксчи деб топилгани мамлакатимизда кучли бокс мактаби шаклланганлигини исботлади. Йиғилишда мавсумнинг энг яхши боксчиси ҳамда мураббийси йўналишлари бўйича ғолиблар номи маълум қилинди.

ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан "Қашқадарё-юртпарварлар диёри" интеллектуал ёшлар клуби ташкил этилди.

Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонасида мазкур клубнинг дастлабки машғулоти ўтказилди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган иқтидорли ўқувчи ёшлар иштирок этди. Юртбошимиз Ислом Каримов асарларига бағишланган машғулот ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Вилоят туманларида ҳам шундай клубларни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

«СУВ ПАРИСИ»

Олимжон деган муҳандис дўстим бор. Чинакамига дунё кезганлардан. Ўндан ортиқ хориж давлатларида бўлган. Бир сафар даврада «Сув париси» ҳақида гап айланди-ю, дўстимиз:

– Ўша сизлар тилга олган паризодга каминалари ҳам дуч келган, – деди сирли кулиб қўяркан. – Бу воқеа ўттиз беш йил аввал юз берган...

Олимжоннинг беҳуда оғиз очмаслигини яхши биламиз. Айтганлари ичида бирон оғиз ёлғон, лоф ёки тўқимасини эшитмаганмиз. Шунинг учун ҳамманинг қулоғи динг бўлди.

У маҳаллари анча ёш, ўқишни эндигина тугаллаб келган пайтларим эди, дея гап бошлади Олимжон. Ўшанда, агар хотираларингдан кўтарилмаган бўлса, жаҳон ёшлар ва талабалар фестивалига лоторея тарқатилганди. Омадни қарангки, менга Югославиянинг Адриатика денгизи соҳилидаги дунё ёшлар оромгоҳига йўлланма чиқиб қолса бўладими! Орадан бир ой ўтиб- ўтмасдан ана шундай бахт эгаларидан йигирмага яқин йигит-қиз таркибида йўлланмада кўрсатилган Дубровина шаҳрига етиб бордик.

Оромгоҳ таърифига сўз ожиз. Субтропик иқлимга хос барча наботот дунёсини бу ерда учратиш мумкин. Энг тиниқ сувли ҳисобланган Адриатика шаҳар қирғоқларини тинимсиз ювади. Тунлари гўёки осмон сари юқорилаб кетган денгиз сувлари бўйлаб сузиб келаётган кемалар чироқлари беҳисоб юлдузлар чаманига қўшилиб кетгандек. Ҳар куни нонуштани чала-чулпа қиламиз-да соҳил томон шошиламиз. Бир сафар салқин ҳавода ҳам сувдан чиқмаганлигим таъсир қилдими, оқшомга яқин иссиғим кўтарилди. Эртасига саёҳатга жўнаётган шерикларим билан кетишга шифокоримиз рухсат этмади. Тушликдан сўнг ухламоқчи бўлдиму ҳеч кўзим илинмади. Кейин навбатчини чалғитдим-да,соҳилга қараб чопқилладим ва ўзимни роҳатбахш денгиз қучоғига отдим. Ҳаво иссиқлигидан сувдан сира чиққим келмасди.

Тобора илгарилаб сузиб боргим келаверарди. Бир маҳал қарасам, соҳилдан анча узоқлаб кетибман. Ортимга кўз ташладим-у юрагим шувиллади. Эндигина соҳил сари бурилаётганимда сув шалоплагандек туюлди. Ўгирилдим, мендан йигирма-йигирма беш қулочларча нарида сочлари денгиз сувларидан узра елпиғичдек ёйилган қиз ҳамон ичкари сари сузиб бормоқда эди. Ёлғизгина қиз сузиб кетяпти-ю, қўрқиб ўтирсам! Ортга қайтишни уят санаб унга эргашдим. Ҳалиги қиз худди етиб ол, дегандек бир неча бор қайрилиб ҳам қўйди. Аммо ҳар қанча ҳаракат қилмайин унга асло етишнинг иложи йўқдек эди. Демак, у қиз денгизда машқ қилиб юрган сузувчи спортчилардан бўлса керак, деган қарорга келдим. Шу аснодаги фикримни жамлаётганимда сув қаттиқроқ шалоплади-да уста сузувчи кўздан йўқолди. Негадир дармоним қуриб, нимадир вужудимни денгиз тубига тортаётгандек юрагимни ваҳима босди. Эсимнинг борида ортимга қайтганим маъқул. Ортимга бурилар эканман қайсидир китобда Адриатика суви ғоят тиниқлигидан остидаги ҳайвонот дунёсини бемалол кўриш мумкин, деган ёзув эсимга тушди. Сув остига тикилганимни биламан, баданимга минглаб ёввойи ҳашаротлар ўрмалагандек бўлди. Негаки, чуқурликда гўёки улкан ҳўкизлару чўчқалар,узундан-узоқ илону тимсоҳларга ўхшаш жониворлар ўрмалашар, гўёки мени сувнинг чуқурроқ жойига тушишимни кутишаётгандек эди.

Чамаси, спортчи қиз анча узоқлашиб кетган бўлса керак, бирон шарпаси қулоққа чалинмасди. Соҳилга кўз ташларканман, қанчалик олислаб кетганлигимни англаб баттар силлам қурирди. Яхшики, олийгоҳда ўқиб юрган кезларимда сузиш бўйича беллашувларда қатнашиб юрганларим. Ёзги таътилда бобомларникига меҳмонга борган йилларимда Қорадарё ва Қолгандарёда сузиш соҳасидаги машқларим гўё мени сув юзасида баҳзўр ушлаб турарди. Шу онда қуёш ботаётган маҳалда денгиз суви ойнинг тортиш кучи таъсирида қирғоққа интиладиган, дея ўқиганларим, бундай пайтда ортиқча куч сарфламасдан одам ўзини сув юзасида ушлаб туришлиги кифоя, деган кўрсатмалар ёдимга келиб, кучимга куч қўшилгандек бўлди. Ҳақиқатан орадан маълум муддат ўтгач ғоят ҳолдан тойган кўйи чўмилувчилар учун ажратилган қумли майдонда беҳуш кишидек чўзилиб ётардим. Майдончани тозалаб юрган фаррош чол бунинг сабабини сўраганида юз берган воқеани айтдим. Чол оппоқ сочли бошини тебратди.

– Сени худо бир асрабди, йигит. Ҳеч қанақа спортчи қиз бўлмаган. Бугун чўмилиш тақиқланган кун. Сен «Русалка»га дуч келгансан. Ўша ёқларда икки нафари бор. Йигитларни алдаб қирғоқдан узоқлаштириб чўктириб юборишади...

Ўшанда фаррош чолнинг гапларига аҳамият бермагандим, дея сўзини тугатди Олимжон. Кейинроқ билсам, чинакамига Русалкага, «Сув париси»га учраган эканман.

О. ЖУМАНАЗАРОВ

«Обод-Қорасарой» уйжой мулкдорлари ширкати 1 январ 2004 йилдан «Файзли, аҳил оила» ширкатига қўшилиши муносабати билан даъволар «Файзли, аҳил оила» УЖМШга мурожаат қилинсин.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 19500 Буюртма Г— 217 23456